

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Доцент	қарашли “Онкология ва нур таъхиси” кафедраси
Даволаш факультетига қарашли “2-сон ички касалликлар” кафедраси	Тиббий педагогика факультетига қарашли “Травматология, ортопедия, ХДЖ ва нейрожарроҳлик” кафедраси
Катта ўқитувчи	Даволаш факультетига қарашли “1-сон факультет ва госпитал жарроҳлик” кафедраси
Олий маълумотли ҳамшира факультетига қарашли “Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни таъкил этиш, бошқариш” кафедраси	Олий маълумотли ҳамшира факультетига қарашли “Суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи” кафедраси
Ассистентлар	Тиббий педагогика факультетига қарашли
Малака ошириш факультетига қарашли “1-сон акушерлик ва гинекология” кафедраси	
Малака ошириш факультетига қарашли “Травматология, ортопедия ва ХДЖ” кафедраси	

Ҳужжатларни қабул қилиш эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддатда ректоратнинг девонхона бўлимига топширилади. Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.

ТТА Ректорати ва касаба уюшмаси 2-сон педиатрия кафедраси профессори, академиянинг хотин-қизлар кўмитаси раиси Рахмонова Лола Каримовнага опаси

Атаханова Замира КАРИМОВНАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS:
**TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI**

MUHARRIR:
**TURDIQUL
BOBOMURATOV**

TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),
O.Hazratov, A.Zohidiy, S.Mavlyanov,
D.Norgulov, L.Abdugodirova, D.Xudoyqulov

Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahifalandi va Toshkent
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida
400 nusxada chop etildi.
Manzilimiz:
Toshkent shahri, Farobiy
ko'chasi, 2-uy
Nashr uchun ma'sul
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot
boshqarmasida 2007 yil 15 yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun
mualliflar javobgardir
Бепул тарқатилади

Topshirish vaqti: 14.00



Термизда ТТА янги филиали очилди

ВАТАНИМИЗДА ТИББИЁТ СОҲАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНА БИР БОСҚИЧИ АМАЛГА ОШДИ

Барчамизни хабаримиз бор, жорий йилнинг 19-20 январь кунлари муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев Сурхондарё вилоятига ташриф буюриб, вилоятда амалга оширилаётган ислоҳотлар билан яқиндан танишди. Ташриф чоғида вилоятда кадрларни танқислиги, айниқса тиббиёт соҳасидаги кадрларни қишлоқ врачлик пункти, қишлоқ оилавий поликлиникаси, кўп тармоқли поликлиникаларда умумий амалиёт шифокорлари ва тор мутахассисларни кескин етишмаслигини таъкидлаб ўтилди. Мамлакатимиз раҳбари ушбу муаммони ечими сифатида Термиз шаҳрида Тошкент Тиббиёт академиясининг филиалини очиш ва маҳаллий кадрларни тайёрлаш учун имконият яратиш тўғрисида топшириқлар берди.

Ушбу топшириқларни бажариш мақсадида Сурхондарё вилояти ҳокимлиги томонидан жойларда кадрлар танқислигини ҳисобга олиб берган таклифни инobatга олиб, туманлар кесимида баллар кетмакетлигига риоя қилган ҳолда абитуриентлар ўқишга таклиф қилинди. Термиз шаҳрига 15, Ангор тумани 15, Бойсун тумани 21, Денов тумани 44, Жарқўрғон тумани 21, Музробод тумани 18, Олтинсой тумани 21, Қизириқ тумани 27, Қўқўрғон тумани 34, Сарийосиё тумани 16, Шеробод тумани 31, Шўрчи тумани 12, Термиз тумани 16, Узун тумани 9, жами бўлиб 300 талаба ўқишга тавсия этилди. Қабул чегараси туманлар кесимида бўлди ва баллар 78, 7 (Қизириқ тумани) дан 125,9 (Термиз шаҳар)гача оралиғида бўлди.

Давоми 6-бетда.



ҚУТЛАЙМИЗ!

Азиз ва муҳтарам профессор-ўқитувчилар, латофатли ва назокатли талаба-қизлар! Сизларни яқинлашиб келаётган баҳор байрами ҳамда Халқаро хотин-қизлар кунин билан чин кўнгулдан муборакбод этаман.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки мамлакатимизда хотин-қизларга эҳтиром ва эъзоз кўрсатиш, уларни доимий қўллаб-қувватлаш, кучли ижтимоий ҳимоялаш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор вазибаларидан бири саналади.

Президентимизнинг шу йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳам аёлларимизга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътиборнинг ёрқин далилидир.

Зеро, хотин-қизлар жамиятимизнинг асосий таянчи ҳисобланади. Тошкент Тиббиёт академиясининг илмий, ташкилий ва бошқа жараёнларида кўлга киритилаётган ютуқларни ушбу даргоҳда фаолият олиб бораётган аёлларнинг иштирокида тасаввур этиб бўлмайди. Уларнинг меҳнатдаги, илмий-ижодий изланишдаги ва ўқув жараёнидаги фидойилигини ҳамisha юксак қадрлаймиз.

Билимли, салоҳиятли, ҳар томонлама барчага ибрат бўла оладиган талаба қизларимиз сафи ҳам йил сайин ортиб бораётганлиги жуда қувончли. Биз келажаги порлоқ, истиқболи ёрқин шижоатли, зукко ёшларимиз билан фахрланамиз!

Ҳурматли устоз-мураббийлар, мўътабар ва мунис опа-сингиллар! Сизларни қутлуғ қадамлари билан кириб келаётган фасли навбахор — нафосат ва гўзаллик байрами билан яна бир бор табриклаймиз. Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, хонадонларингизга файз, барака, саодатли ва фароғатли кунлар қувончини тилаб қоламиз. Илмий ва иждоий фаолиятингизда, ўқиш ва изланишларингизда омад ҳамisha ёр бўлсин.

Л.ТУЙЧИЕВ,

Тошкент Тиббиёт академияси ректори



Гул учун гулзор керак, дил учун дилдор керак,
Бир берилган умрда, ҳар бири бир бор керак



ВАТАНИМИЗДА ТИББИЁТ СОҲАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНА БИР БОСҚИЧИ АМАЛГА ОШДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Термиз шаҳрида Тошкент Тиббиёт академияси филиали собиқ тиббиёт коллежи биносида ташкил қилинди ва 2018 йил 1 февралдан иш бошлади. Филиалнинг очилишига тайёргарлик даврида Тошкент Тиббиёт академияси ректори Л.Туйчиев бошчилигида проректорлар ва 40 дан ортиқ профессор-ўқитувчилар, Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси вилоят шифохоналарини раҳбар ва шифокорлари фаол иштирок этишди.

2018 йил 1 февраль куни тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Қ.Акмалов, Сурхондарё вилояти ҳокими Э.Турдимов, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири А.Шодмонов, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазири И.Мажидов, Сеченов номи Москва давлат тиббиёт институти (Россия) ректори маслаҳатчиси генерал-майор В.Решетников, Корё университети (Жанубий Корея) атроф-муҳит ва инсон саломатлиги департаменти бошлиғи профессор Чой жаноблари иштирок этишди ва нутқ сўзлашди. Бундан ташқари Тошкент давлат стоматология институти ректори Ж.Ризаев, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректори Х.Акилов, Бухоро давлат тиббиёт институти ректори А.Иноят, Андижон давлат тиббиёт институти ректори М.Мадазимов, Республика онкология илмий маркази директори М.Тиллашайхов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги А.Аляви, Тошкент Тиббиёт академияси ректори Л.Туйчиев, ўқув ишлар бўйича проректор Ш.Боймурадов, маънавият ва маърифат ишлар бўйича проректор Т.Бобомуратов, молия ва иқтисод ишлари бўйича проректори И.Магзумов ва Тошкент Тиббиёт академияси профессор-ўқитувчилари иштирок этишди.

Тантанали очилиш маросимида

юқори мартабали меҳмонлар билан биргаликда талабаларни оналарини, талабалар сўзга чиқиб, Президентимизга ўз миннатдорчиликларини билдиришди. Шу куни ТТА Термиз филиалига 1-курсга талабалikka қабул қилинганлар шифокор қасамёдини қабул қилишди, шундан сўнг биринчи дарс яъни мустақиллик дарси ташкил қилинди. Мустақиллик дарси масофавий таълим воситалари орқали Тошкент тиббиёт академияси юқумли касалликлари кафедраси профессори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Т.Даминов ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти кўз касалликлари кафедраси мудир, профессор Х.М.Камиловлар томонидан амалга оширилди, қизиқарли ўтган дарс савол ва жавобларга бой бўлди. Шундан кейин очилиш маросимига ташриф буюрган муассасалар раҳбарларининг ҳар бири аудиторияларда талабалар учун маърузалар ўқишди.

Тошкент тиббиёт академиясини термиз филиали учун алоҳида мувофиқлаштирилган ўқув режа яратилди ва дарс жадвали тузилди. Шунга кўра дарслар 1 ярим йиллик фанларни ўзлаштириш учун 2018 йил 1 февралда бошланиб, 26 апрелда тугайди, иккинчи ярми эса 27 апрелда бошланиб, 20 июлда тугайди, аттестация ҳафталиги билан 1 курс ўқиши 1 августда якунига етади. ТТА Термиз филиалининг 4 маъруза залларига масофавий таълим воситалари (онлайн узатиш тизими) ўрнатилди ва барча маърузалар Тошкент Тиббиёт академияси профессор-ўқитувчилари томонидан ўқиши ташкил этилди.

Ш.БОЙМУРАДОВ,
Тошкент тиббиёт академияси
ўқув ишлари бўйича
проректори, профессор

БОБОЛАРНИ ЁД ЭТИБ

Бу улуг зотни шоир десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султони дур.

**Ўзбекистон Республикасининг
Биринчи Президенти
И.Каримов**

Тошкент Тиббиёт академиясининг барча факультет ва талабалар турар жойларида, кафедраларда шеърият ва ғазал мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 577 йиллиги ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 535 йиллиги муносабати билан “Буюк боболаримизни ёд этиб” мавзусида маънавий-маърифий тадбирлар кенг кўламда ўтказиб келинмоқда. Сўз мулкининг султони Алишер Навоий, шоҳ ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг бизга қолдирган буюк меросларининг инсоният тарихида ва келажак авлодлар ҳаётидаги аҳамияти нафақат адабиётимизда, қолаверса миллий маънавиятимизга қолдириб кетган олтин мероси ҳақида гапирар эканмиз, биз зиёли кишилар олдида турган асосий вазифа келажак авлодга ушбу меросни авайлаб етказишдан иборат дур.

Алишер Навоий ва Бобур тимсолида ўз юртига садоқат, меҳр-муҳаббат рамзини кўрамиз ва дўстликни тараннум этган ғазалларида ёшларимизни тўғри йўлга ундаш борасида теран ғояларини англаймиз. Улар қолдирган юксак маънавий мерос ўзбек халқининг улкан илмий-маданий бойлиги сифатида ҳозирги кундаги аҳамияти, жамиятимиз тараққиётидаги роли, ёшларимизнинг маънавий оламини бойитишда аҳамияти бениҳоя катта.

Икки буюк шахс ҳақида сўз юритар эканман бутун дунёга ўзбек халқини танитиб тарихга муҳрлаган битмас туганмас маънавий таърифий хазинадур. Уларнинг инсон ақлини тоблайти, маънавиятни юксалтиради, қалбини қозғалтиради.

Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобурсиз ўзбек маданиятини тасаввур қила олмаймиз, унинг нури шеърияти ва ёруғ сиймоси руҳимизга сингиб кетган. Алишер Навоий чуқур инсонпарвар ғоялари билан йўғрилган ижоди ифтихор туйғулари билан онгимизни бойитса, Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг буюк қудрати, ватанпарварлиги ва унинг ватанга чексиз муҳаббати одамга сўнгсиз меҳр бағишлайди.

Уларнинг асарлари ватанпарварлик, инсонпарварлик, мардлик шижоат, бағрикенглик, меҳроқибат, ота-онага, кексаларга, аёлларга хурмат, вафо, муҳаббат, садоқат, дўстлик, ҳамкорлик, диёнат, раҳм-шафқат, хайр-эҳсон, меҳнатсеварлик, илм-маърифатли бўлиш, каби қадриятларимиз намоён бўлади. Бу икки улуг инсон қалбимизда мангу яшайди.

Ҳабиба НУРБОЕВА,
Маънавият ва маърифат бўлими услубчиси

МУҲАДДИСЛАР СУЛТОНИ

“Имом Бухорий Аллоҳнинг ерда юрвчи мўъжизаси эди”

Муҳаддис Маражжа ибн Ражаб

(Давоми, боши ўтган сониди)

Имом Бухорий бутун Ислом оламига танилиб, шухратлари етти иқлимни эгаллагач она ватанлари – Бухорога қайтишни ихтиёр қилганлар. Аҳли Бухоро ўзининг фахри бўлиб оламга танилган комил инсонни шодлик билан кутиб олган. Муҳаддис она диёрида кўплаб масжид мадрасалар очиб, илмдан сабоқ бера бошлаган. Бухоро волиий Халид ибн Аҳмад Зухлий унга одам юбориб, уйига келиб болаларига “**Жомеъ**” ва “**Тарих**” дан дарс беришни талаб қилган Имом Бухорий унинг ҳузурига боришдан бош тортиб, элчига “**Унга айтиб қўй, мен илмни хорлаб, султонлар остонасига кўтариб бормайман. Агар унинг бирор илмга ҳожати бўлса масжидимга ёки ҳовлимга келсин. Агар бу унга ёқмаса, у султон мени мажлисдан мутлақо ман қилиб қўйиши мумкин, токи менинг учун Аллоҳ ҳузурига илмни яширмаганим учун узр бўлсин**”, – дейди. Волий яна одам юбориб имомдан ўз болалари учун алоҳида мажлис қуришни талаб қилади, аммо муҳаддис “**Бир қавми қўйиб, хоссатан бошқасига дарс ўтиш менга тўғри келмайди**”, – дейди. Шунда ғазабланган волий имомга қарши Бухоронинг Ҳурайс ибн Абул Варқо каби олимларидан ёрдам сўради, ҳамма змонларда бўлгани каби ялтоқи илмдорлар дарҳол имомга бўҳтон уюштиришиб, уни бузуқ мазҳабда эканлигини даъво қилдилар. Волий имом Бухорийни Бухородан 24 соат ичида чиқиб кетишини талаб қилди. Авлиё инсонлардан бири, дуоли мустажоб Бухорий зулм жонларидан ўтганидан кейин “**Эй, Аллоҳ! Менга қасд қилган нарсаларини ўзларига, авлодларига ва аҳли-аёлига қўрсатгин!**”, – дея дуо қилдилар. Орадан бир неча кун ўтиб дуолар мустажоб бўлди, халифанинг буйруғи билан волий Аҳмад Зухлий урғочи эшакка тескари миндирилиб, сазойи қилинди ва амалдан туширилди. Ҳаж илинжида гуноҳларини ювиш учун йўлга чиққанида Бағдодда кўлга олиниб ҳибсланди ва умри тамом бўлди. Олим Ҳурайс ибн Варқонинг ҳам бошига тушмаган қулфатлар қолмади. Юртидан қувилган улуг имом Самарқанддан икки фарсаҳ масофадаги Хартанг қишлоғидаги қариндошлариникига келиб тушдилар. Бир кеча тунги намозларидан кейин шундай дуо қилдилар; “**Эй Аллоҳ! Дарҳақиқат ер юзи кенг бўлишига қарамай менга тор бўлиб қолди, мени ўзингга олгин!**”. Орадан бир ойча ўтмай Аллоҳ уни ҳузурига олди.

Улуг олим Абдулвоҳид ибн Одам Тововусий айтиди: “**Расулulloҳ (с.а.в)ни тушимда кўрдим, саҳобалри билан бир ерда турган эканлар. “Эй, Расулulloҳ, бу туришининг боиси надур?”.** “**Муҳаммад Исмоил Бухорийни кутиб турибман**”, – дедилар. Уша куни Бухорий вафотлари хусусида хабар келди”.

Битикларга кўра улуг имом турбатларининг тупроғидан мушк ва анбарнинг ҳиди келиб турган, зиёратдаги одамлар ундан ҳовучлаб олиб кетганлар. Оқибатда лаҳад очилиб қолиш хавфи пайдо бўлган, ниҳоят унинг шоғирдлари жам бўлиб Бухорий руҳига мурожаат қилганлар ва қабрдан тупроқ олиб кетмасликлари учун мушк-анбар ҳиди йўқолишини сўраганлар. Шундан кейин турбатнинг ужоҳий ҳиди йўқолган.

Болалигимда отам раҳматлик отга миндириб Ургутдан 40 чақиримча наридаги мазкур зиёратгоҳга бир неча марта олиб


борганлар, кўзларида ёш билан ғарибгина мақбарани ўт ўлан ва тиканаклардан тозалаб, намоз ўқиганларига гувоҳ бўлганман. Аллоҳга шукр, мустақиллик йилларига келиб Ислом оламининг энг улуги қаторида юртимиздаги бошқа қадамжолар ҳам таъмирланиб, зиёрат қилса бўладиган муҳташамлик кашф этди.

Хулоса қилсак, Бухорий на фақат юртимизнинг, балки бутун дунёнинг фахридур. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъбирлари билан айтидиган бўлсак, “**Буюк ватандошимиз башариятга тенгсиз маънавий мерос қолдириб кетди. Бу мероснинг гултожи энг ишончли ҳадислар тўплами “Ал жомеъ ас-саҳиҳ” Ислом оламида Куръони каримдан кейин эъзозланадиган иккинчи манбадур. Бутун дунё мусулмонларнинг иттифоқига кўра у башар боласи томонидан битилган китобларнинг энг улугидур**”.

“**Оққан дарё оқаверади**” деган мақолга асосан юртимизда улуг имомнинг минглаб издошлари, Ўзбекистонни дунёга танитган улуг олимлар. унинг увайсий шоғирдлари қикди. Биз бугунги кунда Бухорий меросини халқимизга яхшироқ танитган, ислом оламининг энг улуг олими, “**Шайхул ислом**” унвонига эга бўлган муҳтарам шайхимиз Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин), диний ва дунёвий илмлар соҳиби шайх Абдулазиз Мансур, шайх Аловуддин Мансур, Қуръони Каримни ўзбек тилидаги илк тафсирчиси Олтинхонтўра Торозий, “**Тарихи Муҳаммадия**” каби Ислом Университетларида дарслик сифатида ўтиладиган китоб муаллифи Алихонтўра Соғуний, “**Танбеҳул Ғофилийн**” муаллифи Абул Лайс Самарқандий, Сўфи Оллоҳёр, Ҳазинийлар билан ҳақли равишда фахрланамиз. Шунингдек, буюк бобокалонларимиз меросларидан илҳом олиб уларни тиббиётга, ҳаётга, инсонлар саломатлигига татбиқ қилаётган медик олимларимиз Эркин Қосимов, Рустам Иноғомович Усмонов, Шаҳоб Шамсиевич Ҳамроев, Раҳмонжон Умаров (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) Малика Самадовна Абдуллаҳўжаева, Шерзод Яҳёевич Зокирхўжаев, Ҳомид Ёқубович Каримов, Турдикул Ақромович Бобомуродов, Барно Турдихўжаевна Холматова, Бахтиёр Дўсчонбоевич Бобоҷонов, Шокир Бекназаров, Тожиддин Файзуллаевлар ҳам шу улуг булоқдан баҳра олган, нафақат академиямиз, балки юртимиз, миллатимиз, қолаверса қиътамиз ва бутун башариятнинг фахри бўлган олимлардандур.

Аллоҳ инояти билан кўҳна Самарқанд тупроғига оёғингиз етганида албатта улуг бобокалонимиз мангуга бош қўйиб ётган хилқатни зиёрат қилиб бизнинг ҳаққимиздан ҳам дуо қилинг.

Қутбиддин НИЗОМОВ,
олий тоифали шифокор,
Республика Соғлиқни Сақлаш аълочиси
Алижон ЗОҲИДИЙ,
тиббиёт фанлари номзоди,
Республика Ёзувчилар уюшмаси аъзоси



ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ – БАРЧАМИЗНИНГ ВАЗИФАМИЗ ВА БУРЧИМИЗ



Тошкент Тиббиёт академиясида жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Олмазор туман судининг судьяси Юсупов Мусо, судья ёрдамчиси Аҳмадов Акмал ва Тошкент давлат юридик уни-

верситети “Жиноят қонунчилигини қўллаш назарияси ва амалиёти” 2-босқич магистранти Акрамова Муаззам иштирокида тарғибот тадбири ўтказилди. Тарғибот давомида Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг судьяси Юсупов Олий малакали ҳамшира факультети 3-босқич талабаларига Ўзбекистон Республикасининг суд тизими, безорилик ва қасддан баданга оғир шикаст етказиш жинояти, тушунчалари, айб шакллари, касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятлари ва жазо тайинлаш, шифокорлик касбидоғи аҳамияти ҳақида маъруза қилди.

Тарғибот давомида судья ёрдамчиси А.Аҳмадов Ўзбекистон Республикасининг жазо тизими, магистрант М.Акрамова томонидан эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этиш ва эҳтиётсизликнинг шакллари ҳақида талабаларга тушунтирилди. Тарғибот тадбири якунида “ушбу тарғибот тадбири биз, талаба-ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятининг ривожлантиришга хизмат қилади, дея Олий малакали ҳамшира факультети 3-босқич талабаси ўз миннатдорчилигини билдирди.

М. АКРАМОВА,
ТДЮУ 2-босқич магистратура талабаси

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ТАРКИБИДАГИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ БЎЛИМИНИНГ ФАОЛИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 515-сон қарорининг 14-бандига мувофиқ Тошкент Тиббиёт академияси таркибида Таълим сифатини назорат қилиш бўлими ташкил этилди.

Бўлим ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари, Давлат инспекцияси ҳамда ТТА ректорининг буйруқлари ва қонуний кўрсатмаларига, шунингдек, Бўлим тўғрисидаги Низомга мувофиқ олиб боради.

БЎЛИМНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

- таълим йўналишлари ва мутахассисликларнинг давлат таълим стандартлари (ДТС), малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурлари билан таъминланганлигини таҳлил этиш ва уларни экспертиза қилиш;
- ТТАда таълим жараёни сифатини, унинг ўқув адабиётлари ва ўқув-услубий материаллар билан таъминланганлик даражасини ўрганиш;
- ТТА талабалари билим ва кўникмаларининг ДТСга мувофиқлигини ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- таълим сифатини оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш;
- кадрлар тайёрлаш сифати мониторингини юритиш;
- ТТАда ички аттестациядан ўтказиш натижалари бўйича таълим сифатига салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаш, маълумотларни ТТА ректорига ҳамда Давлат инспекциясига тақдим этиш;
- аттестация, таълим сифатини ўрганиш билан боғлиқ жараёнларда ТТАда аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф этилиши бўйича тегишли таркибий тузилмаларга тақлифлар бериш;
- ТТАнинг таркибий тузилмаларида (факультет, кафедра, бўлим, марказ, академик лицей) педагог ходимларнинг касбий малакаси ҳолатини, сифат даражасини аниқлаш мақсадида ички мониторингни ўтказиш, таҳлилий маълумотларни тайёрлаш, аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш бўйича ТТА раҳбариятига тақлифлар киритиш;
- таълим сифатини ошириш мақсадида профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш жараёнида замонавий усуллар ва услублардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш;
- ТТА профессор-ўқитувчилари таянч маълумотларининг тегишли дарс берадиган фан(лар)ига мослигини таҳлил қилиш ва хулосаларни ТТА ректорига маълум қилиш;
- ТТАнинг ўқув жараёни, илмий-тадқиқот ва илмий-услубий ишлар ре-

жаларининг бажарилишини мониторинг қилиш;

- таълим жараёни моддий-техник базаси ҳолатини таҳлил қилиш, уни ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича тақлифлар бериш;

- ТТАда талабалар амалиётининг таълим йўналишлари ва мутахассисликларни инobatта олинган ҳолда ташкил этилганлигини ва унинг самарасини назорат қилиш;

- ТТАдаги ижтимоий муҳит, кадрлар тайёрлаш ва таълим сифатини ўрганиш мақсадида доимий равишда талаба, ота-она, профессор-ўқитувчи ва кадрлар истеъмолчилари ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказиш;

- Давлат инспекциясининг топшириғига биноан ТТА рейтингини аниқлашга ва баҳолашга оид маълумотларни тўплашда, ўтказиладиган аттестация ва таълим сифатини ўрганиш билан боғлиқ жараёнларда иштирок этиш;

- талабалар билимини баҳолаш жараёнини таҳлил қилиш асосида рейтинг балларининг ҳолислигини, шаффофлигини ва сифат даражасини баҳолаш;

- ТТА рейтингини халқаро даражага кўтаришга қаратилган чора-тадбирларни олий таълим муассасаси раҳбарияти билан биргаликда ишлаб чиқиш ва уни ижросини таъминлашда фаол иштирок этиш;

- бўлим ходимларининг касбий маҳоратини ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармаси ёки халқаро лойиҳалар ва ТТА ҳисобидан ривожланган хорижий давлатларнинг нуфузли ўқув ва илмий марказлари тажрибасини ўрганиш ва уларни таълим жараёнига татбиқ этиш;

- ТТА тегишли таркибий тузилмалари билан ҳамкорликда таълим сифатини оширишга қаратилган ўқув-семинарлари ва тренингларни ўтказиш;

- ТТАда жамоатчи экспертлар базасини шакллантириш ва улар билан қўйилган вазифалар доирасида семинар машғулотларини мунтазам равишда ўтказиб бориш;

- ўқув жараёни билан ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцион ҳамкорлик, инновацион ғоялар, ишланма ва технологияларнинг амалий татбиқи масалалари мониторингини юритиш;

- ТТА Кенгашида, давра сўхбатлари ва анжуманларда бўлим томонидан таълим сифатини оширишга оид амалга оширилган ўрганиш ва мониторинг натижалари тўғрисида маълумотлар ва тақлифлар бериб бориш

Ш.АДИЛОВ,
доцент.

КЕЛИНГ, ВАТАНИМИЗГА ҚАНОТ БЎЛАЙЛИК!

(ТТА талабаларининг VII анжумани)



Яқинда ТТА талабаларининг маънавий-маърифий ишларига бағишланган “Келинг – Ватанимизга қанот бўлайлик!” мавзусидаги VII анжумани бўлиб ўтди. Анжуман талабалар ташаббуси билан ташкил қилинган бўлиб, ёшларда ватанпарварлик, шукроналик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ҳамда 2018 йил – Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” муносабати билан ва Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг Олий мажлис сенати ва Қонунчилик палатасига қилган Мурожаатномасига ТТА талаба ёшларини билдирган муносабати деб қараш мумкин.

Анжуманни кириш сўзи билан Тошкент Тиббиёт академияси ректори Лазиз Туйчиев очиб бердилар. Ташриф буюрган “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси ҳокими Қ.Шонозаров бошчилигидаги бир гуруҳ меҳмонлар ва ҳакамлар ҳайъати аъзолари иштирокида ТТА талабалари томонидан ўтказилган ишолар танлови асосида талабаларни ватанпарварлик, ижодкорлик, ташаббускорликка ундовчи “Менинг орузим”, “Келинг – Ватанимизга қанот бўлайлик!”, “Тиббиётнинг барҳаёт сиймолари”, “Менинг академиям илму маърифат маскани”, “Устозим ҳаётим чироғи”, “Менинг оилам – менинг бахтим”, “Менинг маҳаллам – менинг фахрим”, “Менинг фикрим”, “Билимлар мўътабар китоблардадир” каби мавзуларда ҳамда тиббиёт соҳасига кириб келиши қўллаётган инновацион технологиялар ҳақида маърузалар тингладилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, талабаларни маърузага тайёрлаш даврида 1,5 мингдан ортиқ талабаларни 7000 га яқин орузлар, 200 та яқин академик гуруҳларида ўқийдиган 3000 нафар ҳамда талабалар турар жойларида яшайдиган 800 нафардан ошқ талабаларнинг “Келинг – Ватанимизга қанот бўлайлик!” мавзусида ўтказилган ишолар танловидаги ташаббусларини йиғиб, уларни таҳлили асосида маъруза тайёрлаб академия талабаларига ва тенгдошларига мурожаат сифатида баён этишди.

Кўтаринки руҳда ўтказилган анжуманда Тошкент Тиббиёт академиясининг иқтидорли талабалари ўз маърузаларида талаба-ёшларда ота-онага, устозларга, Президентимизга сикдикидан садоқат билан хизмат қилиш ва Президентимиз томонидан олиб бориладиган оқилона сиёсатини тўғри тушуниш билан

бирга бошқа тенгдошларида ҳам шундай ватанпарварлик ва шукроналик ҳиссини янада ошириш устида бирлашишни тақлиф этдилар. Шунингдек, ёшларни қўллаб-қувватлаб, чексиз имкониятлар эшигини очаётган мухтарам Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг ишончларини оқлаш ҳамда ана шундай орзу, истак остида бирлашиш яхши ниятлар, мақсадлар сари олға боришларига асос бўлиб хизмат қилишларини таъкидлашдилар. Айниқса Умида Ҳамраева томонидан тиббиёт соҳасига яқин келажақда кириб келиши қўллаётган нанотехнологиялар, ўзак ҳужайралар, саратон касаллиги ва наркоманияга қарши вакциналар, 3D аъзолар, робот ёрдамида жарроҳлик операциялари ўтказиш ҳамда робот ҳамшира, физиотерапевт ва шу каби 40 дан ортиқ янги технологияларни билан анжуман қатнашчиларини таништириши ҳакамлар ҳайъати томонидан алоҳида эътироф этилди.

Анжуман натижаларига кўра 1-ўринни “Келинг – Ватанимизга қанот бўлайлик!” мавзусидаги маърузаси билан тиббий педагогика факультетининг 103-гуруҳ талабаси Гулшана Ҳайдарова, 2-ўринни “Тиббиёт соҳасига яқин келажақда кириб келиши қўллаётган инновацион технологиялар” мавзусидаги маърузаси билан даволаш факультетининг 402-гуруҳ талабаси Умида Ҳамраева ва 3-ўринни “Билимлар – мўътабар китобларда эмасми?” мавзусидаги маърузаси билан даволаш факультетининг 403-гуруҳ талабаси, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори Нигора Тўймуродовалар эгаллашган бўлса, Шохнур Шакиров (даволаш факультетининг 203-гуруҳ талабаси), Шоира Юлдашева (тиббий педагогика факультетининг 302-гуруҳ талабаси), Лола Исломова (морфология йўналишининг II-курс магистратура талабаси), Шаҳноза Амануллова (Тиббий профилактика факультетининг 102-гуруҳ талабаси), Сарвиноз Махаммадова (даволаш факультети 105-гуруҳ талабаси)лар **СЕРТИФИКАТ** ва эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

Т.БОБОМУРАТОВ,
ТТА маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректор
Р.ПОЛВАНОВ,
ТТА психологи

VATANIMGA QANOT BO'LAYLIK!

Keling, vatanimizga qanot bo'laylik!
Dilda ishonch, ishda shijoat bilan,
Tinimsiz harakat, chin mehnat bilan,
Keling, Vatanimizga qanot bo'laylik!

Bizning qo'limizda yashnasin diyor,
Faxrdan toshamiz, aytamiz alyor,
O'zimiz olimmiz, bizmiz ijodkor,
Keling, Vatanimizga qanot bo'laylik!

Vatanga xizmat-chun belni bog'laylik,
Ustozlar o'g'itin dilda saqlaylik,
Xalqimiz ishonchin doim oqlaylik,
Keling, Vatanimizga qanot bo'laylik!

Otani e'zozlash – bizga odatdir,
Onani e'zozlash – bizga odatdir,
Oilaning birligi – yurtga saodatdir,
Keling, Vatanimizga qanot bo'laylik!

Orzular qilaylik Vatanni o'ylab,
Orzular qilaylik ko'klamni ko'zlab,
Orzular qolmasin shunchaki muzlab,
Keling, Vatanimizga qanot bo'laylik!

Dengiz ortin yoritmoq ota merosdir,
Kitob bilan do'st bo'lmoq o'zbekka xosdir,
Har sohada yetuklik bizlarga mosdir,
Keling, Vatanimizga qanot bo'laylik!

Intilib yashaylik ajdodlar haqqi,
Izlanib yashaylik avlodlar haqqi,
Chin farzand bo'laylik shu davlat haqqi,
Keling, Vatanimizga qanot bo'laylik!

Yurtdoshim, adashib qolmaylik bir dam,
Ogohlik bo'lsin hamroh-u hamdam,
Birlashib oldinga qo'yaylik qadam,
Keling, Vatanimizga qanot bo'laylik!

Shukrlar qilaylik, shaxd berdi O'lo'lo,
Shukrlar qilaylik, baxt berdi O'lo'lo,
Bizga mana shunday yurt berdi O'lo'lo,
Keling, Vatanimizga qanot bo'laylik!

Bizning yurtboshimiz oqil insondir,
Oqil inson bosh bo'lsa yurt bardavomdir,
Adolat lashkari sobit qalqondir,
Keling, Yurtboshimizga qanot bo'laylik!

Mustaqillikni saqlab ko'z qarog'ida,
Tilimizni asraylik so'z ardog'ida,
Doim yuksaklik bo'lsin yurt bayrog'ida,
Keling, Vatanimizga qanot bo'laylik!

Maqsadlar niholi o'sib bormoqda,
Ajdodlar orzusi amal bo'lmoqda,
Nurafshon kelajak bizni kutmoqda,
Keling, Vatanimizga qanot bo'laylik!

Mahliyo ISTAMQULOVA,
ТТА Oliy ma'lumotli hamshira fakulteti
102-guruh talabasi



ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ – УСТУВОР ВАЗИФА!

Истиқлолга эришганимиздан сўнг юртимиз аёлларининг меҳнати ва интилишлари муносиб баҳоланиб, уларнинг жамиятда тутган ўрни ва салоҳияти яна бир поғонага кўтарилди. Жумладан, Республика "Хотин-қизлар кўмитаси"нинг ташкил этилиши, "Зулфия" номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши, ўтган йилларнинг "Оила йили", "Аёллар йили", "Соғлом авлод йили", "Она ва бола йили" деб эълон қилиниши юқоридаги фикримизнинг яққол далилидир.

Амалга оширилаётган ислохотлар кўламига Тошкент Тиббиёт академиясининг асосий қисмини ташкил қилаётган олимпиадаларнинг бевосита ҳиссаси, жумладан, профессор-ўқитувчилар (58%), фан доктори (55%), фан номзодлари (60,1%)дан иборатлиги ва уларнинг кадрлар тайёрлаш борасида олиб бораётган саъй-ҳаракатлари эътирофга лойиқдир. Ушбу кўрсаткичларни факультетлар кесимида 139 та олимпиадалардан иборат эканлигини кўриб чиқадиган бўлсак, бу улушнинг 62 нафари даволаш факультетига, 31 нафари тиббий педагогика факультетига, 41 нафари тиббий профилактика ва тиббий биология факультетига, 6 нафари олий маълумотли ҳамшира факультетига тегишли бўлиб, уларнинг фидокорона хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланиб, шу йил 4 нафар профессор-ўқитувчилар нуфузли давлат мукофотлари билан тақдирландилар. Бунга жавобан эса Тошкент Тиббиёт академиясининг иқтидорли талаба-қизларининг сафи ҳам тобора кенгайиб бораётганини ҳам алоҳида эътироф этишимиз мумкин. Жумладан, 67 нафар турли йўналишлар бўйича иқтидорли деб топилган талаба қизларнинг факультетлар кесимидаги улуши даволаш факультетига 23 нафарни, тиббий педагогика факультетига 20 нафарни, тиббий профилактика ва тиббий биология факультетининг 12 нафарини ва олий маълумотли ҳамшира факультетининг 12 нафарни ташкил этади. Президентимизнинг жорий йилнинг 2 февралдаги "Хотин-

қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустақамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5325-сонли Фармони доирасида амалга оширилаётган ишлар орқали Республикаимиз хотин-қизлари фаолиятлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларнинг турли соҳалардаги қобилиятларидан фойдалана олишлари учун шарт-шароитлар ва имкониятлар кўлами яна бир карра оширилди.

Юртимизнинг, миллатимизнинг буюк келажаги, сабабчилари ҳам оналаримиз, аёлларимиздир. Аёл – мунис она, суюкли рафиқа, куюнчак опа, меҳрибон сингил, оқила қиз, нури келинчак каби номлар билан қалбимиздан жой эгаллаган. У шоиру рассомларнинг илҳом парисига айланган нозик ҳилқат, бахтимиз тумори, бебаҳо гавҳардир. Биргина жисми-жонига уй-рўзгор юмушлари, фарзанд тарбияси, қайнота-қайнона хизмати, бундан ташқари эл-юрт хизматини юклаганича инсонлар ҳаётини чаманзорга айлантиради. Шундай экан, ана шундай ажойиб хислатларга эга бўлган уйимиз кўзумчоқларини асраб-авайлайлик, ардоқлайлик.

**Эльмира ШУКУРОВА,
Маънавият ва маърифат
бўлими услубчиси
Фатима ИРСАЛИЕВА**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИДА ПСИХОЛОГ ШТАТИ ЖОРИЙ ҚИЛИНДИ

*Ҳар бир инсон бутун бир китобдир,
Ҳамма гап уни ўқий олишда*

Ульям Ченнинг

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июль ойида "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг 14-бандида Олий таълим муассасалари психологи лавозими жорий этиш кўзда тутилади. Ушбу Қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 600-сонли буйруғи ва Тошкент Тиббиёт академиясининг 2017 йил 5 сентябрдаги 554-сонли буйруғи ишлаб чиқилди. Шунга асосан 2018 йилнинг январь ойидан бошлаб Тошкент Тиббиёт академиясида психолог штати жорий қилинди.

ТТА психологи фаолияти таълим хизматлари соҳасига мансуб бўлиб, кадрлар тайёрлаш сифати ва самарадорлигини ошириш, баркамол шахсни тарбиялаш ҳамда талабаниннг ҳар томонлама гармо-

ник, тўлақонли психологик тараққиётини таъминловчи оптимал шарт-шароитларни яратишни мақсад қилиб кўяди.

ТТА психологи ўзининг талаба хулқ-атвори ва психик фаолияти, психик тараққиётнинг ёш қонуниятлари, касбий билимлари, талабалар ва катталар, тенгдошлари билан ўзаро муносабат хусусиятлари, ўқув-тарбия жараёнини ташкиллашувига таяниб, шахсга индивидуал ёндашув имкониятларини беради, унинг қобилиятларини аниқлайди, меъёрдан четлашувларнинг эҳтимолли сабабларини, психологик-педагогик коррекция қилиш йўллари аниқлайди.

Академия психологи фаолиятининг тадқиқот ва таъсир ўтказиш объекти олий таълим муассасалари талабалари, ўқитувчилари, ота-оналари бўлиб ҳисобланади. Уларни алоҳида ёки гуруҳий шаклда тадқиқ қилиш мумкин.

ТТА психологи талабаларнинг ёш хусусиятларини ҳамда жадал ривожланишини ҳисобга олувчи, улар психикасининг барча жабҳаларини қамраб олувчи динамик тараққиётга кафолат берувчи дастур ишлаб чиқаришга бутун фаолиятини йўналтиради, ижтимоий ўсиш талабига жавоб берувчи,

умуминсоний, этнопсихологик қонуниятлар камолатига етакловчи моделни таркиб топтиришни бош мақсад деб танлайди.

ТТА психологининг фаолияти йўналишларига психопрофилактик ишлар, психологик маориф ва маърифат, психодиагностика, психик ривожлантириш ва психокоррекция, психологик консультация қилишдан иборат бўлади.

ТТА психологининг асосий вазифларидан бири талаба ва профессор-ўқитувчилар учун соғлом психологик муҳит яратиш ва улар шахсининг ривожланиши учун оптимал шарт-шароитларни таъминлаш ҳисобланади.

Ҳозирда 7-сонли талабалар турар жойининг 1-қаватида психолог хонаси ташкил этилган бўлиб, Тошкент Тиббиёт академиясининг 2017 йил 5 сентябрдаги 554-сонли буйруғига илова қилинган Тошкент Тиббиёт академияси психологининг намунавий лавозим йуриқномаси асосида ўзининг йиллик иш режасини ишлаб чиққан ва шу режа асоси ўз фаолиятини юритмоқда.

**Расулбек ПОЛВАНОВ,
ТТА психологи**

КАСБГА САДОҚАТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустақамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида кўрсатилганидек, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, шунингдек, оила институтини мустақамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, Ватанимиз тараққиётида, оила ва жамият ҳаётида хотин-қизлар муҳим ўрин ва мавқега эга. Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизини ташкил этадиган аёллар ижтимоий-маънавий, сиёсий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида хусусан, давлат бошқаруви ва вакиллик органларида, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик, фермерлик, соғлиқни сақлаш, таълим, маърифат, маданият ва бошқа ижтимоий соҳаларда самарали меҳнат қилмоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз хотин-қизлари орасида 514 нафар фан доктори, 6 нафар академик, 15 нафар Ўзбекистон Қаҳрамони, 17 нафар сенатор, 15 нафар Қонунчилик палатаси депутати борлиги, шунингдек, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг 23 фоизидан зиёдини ҳамда илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳаларида меҳнат қилаётганларнинг 72 фоизини айнан аёллар ташкил этишини алоҳида таъкидлаш лозим. Бугунги кунда аёлларимиз ҳам оилادا, ҳам жамиятда ўз ўрни ва мавқеига эга. Шунингдек, улар ҳар бир соҳада ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан обрў-эътибор қозонмоқда. Ана шундай инсонлардан Тошкент Тиббиёт академиясининг тиббий-педагогика факультетига қарашли 2-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси профессори Наима Насриддинова ва шу кафедра доценти Замира Умаровалар ҳисобланишади.

Н.Насриддинова 1964 йили Тошкент Давлат Медицина институтининг даволаш факультетини "Имтиёзли диплом" билан тугаллади. 1972 йили тиббиёт фанлари доктори, профессор Н.Исмоилов раҳбарлигида "Ошқозонга Тошкент минерал сувининг таъсири" мавзусида номзодлик ва 1994 йилда "Юрак ишемик касаллиги ва алкаголли кадиопатия" мавзусида докторлик ишини ҳимоя қилди. 53 йиллик педагогик фаолияти даврида олимпиада 30 мингдан ортиқ ёш мутахассисларни тайёрлашда қатнашди.

У киши республикаимизда гериатрия хизматининг йўлга қўйилишида ташаббускорлардан бири ҳисобланади. У киши раҳбарлигида гериатрия масалаларига бағишланган кўплаб анжуманлар, семинарлар ўтказилди, гериатриянинг долзарб муаммоларига бағишланган илмий

мақолалари, маърузалари ва "Гериатрия в деятельности врача общей практики" монографияси ва ўзбек ва рус тилларида "Хоспис тўғрисида" рисолалари чоп этилди. Геронтолог сифатида Женева, Будапешт, Москва шаҳарларида ўтказилган халқаро анжуманларда иштирок этган. Айниқса бу борада олиманиннг "Шифоинфо" газетасининг таҳрир аъзоси сифатида олиб бораётган иши диққатга молик. У киши томонидан тайёрланган соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, касалликларнинг олдини олиш бўйича, овқатланиш тартибига риоя қилиш, ва геронтологияга бағишланган мақолалари газетхонлар томонидан зўр қизиқиш билан ўқиб келинади.

Профессор Н.Насриддинованиннг тиббиёт фанига қўшаётган ҳиссаси эътироф этилиб, у киши тиббиёт-техника энциклопедиясига киритилди, бир неча бор Фахрий ёрлиқлар ва 2000 йили АҚШнинг "Аби" халқаро биографик институтининг олтин медали билан мукофотланди.

Доцент З.Умарова эса 1971 йили Тошкент Давлат Медицина институтининг даволаш факультетини "Имтиёзли диплом" билан тугаллади. 1982 йили тиббиёт фанлари доктори, профессор Х.Янбаева раҳбарлигида "Гломерулонефритларни даволаш самарадорлигини баҳолашнинг клиник-иммунологик мезонлари" мавзусида номзодлик ишини ҳимоя қилди. Ўзининг 47 йиллик иш фаолияти давомида З.Умарова факультет ва госпитал терапия фанларидан Намунавий ва ишчи ўқув дастурлар тузишда фаол қатнашиб келмоқда, кўплаб ўқув-услубий кўрсатма ва қўлланмалар тайёрланди, маърузаларнинг янги электрон ва мультимедиа вариантлари ишлаб чиқилди, янги педагогик технологиялар ўқув жараёнига татбиқ этилмоқда. Шунингдек, айна дамда у киши терапия йўналиши магистрларини тайёрлаш ва ТТА ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказида Республикаимиз тиббиёт олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари малакасини оширишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.



Ҳозирги замон педагогининг асосий фазилатларидан бири ўз касбига садоқатлиги, ғоявий эътиқодлиги, ўз касбининг севиши, бу касбга нисбатан чексиз садоқат уни бошқа касб эгаларидан ажратиб туради. Зеро, педагог фақат ўз талабаларининг онгига мурожаат қилибгина қолмай, балки, уларнинг ҳис-туйғуларига, иродасига таъсир кўрсатиб, актив фаолиятга ундайди, бунинг учун эса у яхши психологик ва педагогик билимларга эга бўлиши зарур. З.Умарова ўзининг маърузаларида аниқ билимлар юзасидан билимлар тизимини беради, фан ва техника ангилкларини билан таништириб, унинг муаммо ва истиқболлари ҳақида тушунарли ва содда талқин қилади. Бу эса тингловчиларни мустақил фикрлашга ўргатади ҳамда уларда илмий дунёқарашни шакллантиради.

Ҳар иккала олимпиада: Насриддинова Наима Набиевна ҳам, Умарова Замира ҳам талабчан жонқуяр педагог, ўз касбига садоқатли, эътиборли, ёшларнинг доимий маслаҳатчиси ва ғамхўр устози, шу билан бирга самимий ва камтарин инсонлар сифатида академия профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлар ҳамда талабалар орасида катта обрў-эътиборга сазовор бўлишган, улар ҳурматини қозонишган.

Зеро, таъкидланганидек: "яратганининг буюк ва беқиёс мўъжизаси бўлмиш аёл зотини таърифлаш ва мадҳ этиш учун ҳар қандай ёрқин тимсол ва ташбеҳлар камлик қилади"...

**Шоира ҚОДИРОВА
тиббий педагогика факультети катта
ўқитувчиси**

